

Ўз Низомига асосан фаолият юритувчи «Матбуот таркатувчи МЧЖ» балиқчи туман бўлими бундан буён «Ижрочи» деб юритилади, унинг номида раҳбар Х.Турғунов бир томондан ва Балиқчи тумани Катта Андришон МКБ номидан унинг раҳбари С.Суратов иккинчи томондан бундан буён «Обуначи» деб юритилади, куйидаги мазмунда шартнома туздиқ:

1. Шартнома предмети.

1.1 «Ижрочи» «Обуначи» талабига кура Республика ва хорижий давлатларда Чоп этиладиган ва куйидаги каталогига киритилган даврий нашрларга 2022 йиллар учун обуна қабул қилади, «Обуначи» эса ушбу нашрни хошишига асосан унинг жойлашган манзилгоҳига элтиб беришни, хохламаган холда ўз вакили орқали «Ижрочи» омборидан ўзи олиб кетади:

Т/№	Индекс	Нашрнинг номи	Улчов бирлиги	Сони	Нархи	Умумий қиймати
1	859	Агро илм	дона	15	404400	6 066 000
2	895	Ўзбекистон Киш ва сув ҳўжалиги	дона	25	572400	14 310 000
		ЖАМИ				20 376 000

Шартноманинг умумий суммаси 20 376 000 (Йигирма миллион уч юз етмиш олти минг) сум.

2. Шартнома қиймати ва ҳисоб – китоб тартиби.

2.1. «Обуначи» нашрларлари учун туловни «Ижрочи»га пул утказиш йули билан амалга оширилади.
2.2. Бюджедан маблаг олувчилар етказиб бериладиган нашрлар умумий суммасининг 100 % микдоридан олдиндан ҳақ тулайди. (Шартномада ойма-ой тўлов амалга оширадиган холларда олдиндан 100 % тўлов ҳар ой учун алоҳида амалга оширилади.) Олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг нашрлар етказиб берилади, нашрлар учун ҳисоб фактура имзолангандан кейин 30-кун муддатда тўлиқ ҳисоб китоб қилинади.

3. Мулкый жавобгарлик.

3.1. Ушбу шартнома буйича Обуначининг мулкый жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг 29.08.98 йилдаги «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тугрисида»ги қонунга асосан белгиланади.

3.2. Нашрларни тулик етказиб бермаганлик ёки етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборганлиги учун қонунда ёки шартномада белгиланган нашрлар «Етказиб берувчи»дан шартноманинг амал қилиш муддатида мажбурият амалда бажарилгунга қадар ундирилади.

4. Шартнома муддати.

4.1. Шартнома муддати имзоланиб ҳудудий Газначилик булинмасида руйхатга олингандан сунг кучга қиради ва «31» декабр 2021 йилгача амал қилади.

5. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

5.1. Томонлар бошқа томоннинг ҳужжатини расмийлаштирмаслиги ёки нотугри расмийлаштириш учун жавобгар эмасдирлар.

5.2. «Ижрочи» ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

- Берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган «Товар (нашрлар)»ни қабул қилиш асосида рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

- Агар «Товар (нашрлар)»ни етказиб бериш жараёнида «Ижрочи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса «Обуначи»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда бепул тузатиб беришга мажбурдир.

5.3. «Обуначи» ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

- Камчиликларни бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Обуначи» ёки учунчи шахслар томонидан тугриланишини ҳаражатларини қопланиши талаб қилишга;

- Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қопланишини «Ижрочи»дан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. Томонларнинг жавобгарлиги.

6.1. Ижрочи нашр етказиб беришда шартнома шартларини бузганда, яъни нашр етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборса, тулик етказиб бермаса, кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдоридан пеня тулайди. Лекин туланадиган пеня умумий суммаси етказиб берилмаган нашрлар умумий суммасининг 50 фоизидан ортимаслиги керак.

6.2. Ижрочи томонидан жунатилган нашрларга оид тулов ва нашр етказиб берилганлиги тугрисидаги бошқа ҳужжатлар уз вақтида, яъни нашр билан бирга ташкилотга тақдим этилмаса, ҳар бир ҳолат учун етказиб берилаётган нашр қийматининг 1 фоизи микдоридан жарима тулайди.

6.3. Ижрочи томонидан нашрлар уз

вактида ва белгиланган талаблар асосида етказиб берилганда ташкилот уларни асоссиз равишда қабул қилмаса, қабул қилинмаган нашрнинг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган нашрлар буйича эса 10 фоизи миқдорида жарима тулайди

6.4. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида нашрлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун харидор (буюр тмачи) нашр етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тулайди.

Етказиб берилган нашрлар учун ташкилот томонидан уз вақтида туловлар амалга оширилмаса, яъни ушбу шартноманинг 2.2- бўлими бузилганда, тулов кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тулайди. Лекин туланадиган пенялар умумий суммаси кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизи миқдоридан ошиб кетмаслиги керак.

6.5 Агар етказиб берилган нашрлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, харидор товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, Ижрочидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган нашрлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилади.

7. Низоларни ҳал этиш тартиблари

7.1. Келишмочиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда улар судга ҳал этиш чораларини кўрадилар.

7.2. Келишув билан ҳал қилинмайдиган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан белгиланган тартибда ҳал қилинади.

8. Форс – мажор.

8.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар «ёнғин, сув тошқини, эпидемия ва шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари», агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

8.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

9. Бошқа шартлар.

9.1. Шартнома тузиш ва уни бажаришда юзага келадиган низолар белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан ҳал қилинади.

9.2. Шартнома ҳар иккала томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиниши мумкин.

9.3. Барча узгартириш ва қушимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ҳамда ҳар икки томонларнинг ваколатли вакиллари имзоси ва муҳрлари бўлган тақдирда ҳисобга олинади.

9.4. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси «Ижрочи» да иккинчи нусхаси «Обуначи»да сақланади. Амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабр.

10. Томонларнинг ҳуқуқий манзили ва банк реқвизитлари.

«Ижрочи»

«Буюртмачи»

“Балиқчи матбуот таркагувчи МЧЖ” бўлими.

Катта Андрейшон Магистрал Канали

(мол етказиб берувчининг номи)

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Балиқчи туман бўлими

Манзил: Балиқчи тумани

Тел./факс 8 374 323 21 17

Тел./факс 0552 200 17 00

х/п 20210000900282682001

ш/х* 100010860032067042402170000

Банк номи Балиқчи Агробанк

МФО 00014 СТИР 200261747

МФО 00066 СТИР 200261984

ОКОНХ 22100

ОКОНХ : 71280

Балиқчи туман буйича Ғазначилик бўлини маси

х/р: 23402000300100001010 мфо:00014

ИНН:201122919

Банк номи : Тошкент шаҳар Марказий банк бош

бошқармаси ХККМ

Раҳбар Х. Тургунов

(Ф.И.Ш)

Раҳбар

(лавозим)

(имзо)

М.Ў

(имзо)

М.Ў

Юрист:

Юрист хулосаси:
Ушбу шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси ва «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базис тўғрисида»ги Қонун талабларига риоя этилган ҳолда тузилган бўлиб, шартнома лойиҳаси тарафларнинг жавобгарлиги муъраари, низоларни ҳал этиш тартиблари амалдаги қонулар талабига мос келади.
Хуқуқшунос: Н. ХАМДАМОВ

